

Махмудов Азамат Нормурадович

Тошкент давлат иқтисодийот университети

иқтисод фанлари номзоди, доцент

azamat_mahmudov 69@ mail.ru

ЕНГИЛ САНОАТ ТАРМОҒИДА КЛАСТЕР ТИЗИМИ ВА ХАРАЖАТЛАР ҲИСОБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақола енгил саноат тармоғида кластерлар тизими, харажатлар ҳисобини такомиллаштириш, харажатларни гуруҳлаш ва қайта гуруҳлаштиришни такомиллаштириш, шунингдек уларни маҳсулот (ишлар, хизматлар) таннархига киритиш ҳамда бухгалтерия ҳисобини юритиш методологиясини такомиллаштириш масалаларига бағишланган.

Калит сўзлар: мақсадли харажатлар, мақсадли таннарх, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоблаш жараёни, ишлаб чиқариш харажатлари, давр мобайнидаги таннарх, тугалланмаган ишлаб чиқариш, кластерлар тизими.

1. Кириш. Дунёнинг тараққий этган давлатлари ишлаб чиқаришни инновацион ривожлантириш ва диверсификациялаш асосида миллий иқтисодиётнинг барқарорлигини таъминлаш, экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш орқали жаҳон бозоридаги рақобатдошлигини кучайтиришга эришмоқдалар. 2021 йилда «жаҳон тўқимачилик бозорининг ҳажми 993,6 миллиард АҚШ доллари баҳоланди, 2022 – 2030 йиллар оралиғида йиллик ўсиш суръати 4,0 фоиз»¹ бўлиши кўтилмоқда. Ҳозирги кунда дунё миқёсида енгил саноат корхоналарида ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш, маҳсулот таннархини аниқлаш ва хорижий инвестицияларни жалб этиш жараёнида бухгалтерия ҳисоби ва аудитни халқаро стандартларга мос равишда ташкил этиш устувор вазифа сифатида белгилаб олинди.

2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясига мувофиқ иқтисодиётимиз ривожланишининг муҳим тармоқларидан бири ҳисобланган енгил саноат корхоналарига йўналтирилаётган хорижий инвестицияларнинг самарадорлигини ошириш ҳамда замонавий техника ва технологиялардан фойдаланиш асосида тўқимачилик саноати маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 2 баравар ва чарм-пойабзал маҳсулотлари ишлаб чиқаришни 3 бараварга кўпайтириш вазифаси белгиланган². Мазкур вазифалардан келиб чиқиб, республикамиз енгил саноат корхоналарини ривожлантиришнинг ишлаб чиқариш харажатларини пасайтириш, фойдани ошириш ва молиявий барқарорликка эришиш стратегияси танлаб олинган. Шу мақсадда енгил саноат корхоналари фаолиятини модернизациялаш ва маҳсулотлар ассортиментини диверсификациялаш мақсадлари учун ҳисоб ва аудит тизимини халқаро стандартлар асосида ташкил қилиш ва самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мазкур вазифаларнинг ижросини таъминлаш мамлакатимиздаги енгил саноат,

¹ <https://www.grandviewresearch.com/industry-analysis/textile-market>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони. <https://lex.uz/docs/5841063>

хусусан, тўқимачилик ва тикув-трикотаж корхоналарининг экспорт салоҳиятини оширишни тақозо этади. Енгил саноат корхоналарининг ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш ва инновацион технологияларни жорий этиш ҳисобига рақобатбардош маҳсулотларни кенг қўламда ишлаб чиқаришни илмий асосларини яратиш талаб этилмоқда. Шу жиҳатдан, хорижий тажрибалар асосида мамлакатимиздаги енгил саноат корхоналарида ишлаб чиқаришни диверсификациялашни бошқариш самарадорлигини оширишнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш бугунги куннинг долзарб масалаларидан ҳисобланади.

Енгил саноат корхоналарида бухгалтерия ҳисобини халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ ислоҳ қилиш, тикув-трикотаж корхоналарининг молиявий-ҳўжалик фаолиятини ҳисобга олиш учун янги тармоқ ҳисоблар режасини ишлаб чиқиш, унинг замонавий тамойилларига тўғри келмайдиган услубий қарорларни тизимнинг бухгалтерия ҳисобидан чиқариб ташлаш долзарб масалалардан бўлиб қолмоқда.

Тармоқ корхоналарининг рақобатбардошлигини янада ошириш мақсадида пахта хом ашёсини етиштиришдан тортиб унга дастлабки ишлов бериш, маҳсулотларни тўқимачилик ва тикув-трикотаж корхоналарида қайта ишлаш ҳамда юқори қўшилган қийматга эга бўлган трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқариш жараёнларини уйғунлаштирувчи кластер моделини амалиётда қўллаш, ишлаб чиқариш жараёнига янги инновацион технологиялар, ноу-хау ва ишланмаларини жорий этиш орқали юқори сифатли ва рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва экспорти ҳажмини ошириш, шунингдек, миллий маҳсулотлар брендларини жаҳон савдо бозорларида кенг тарғиб қилиш каби мақсадларга инвестицияларни йўналтириш долзарб ҳисобланади. 2025 йилга бориб тўқимачилик маҳсулотлари экспорти ҳажмини 7 миллиард АҚШ долларига етказиш каби вазифалар белгиланган¹.

2. Адабиётлар шарҳи. Рақамли иқтисодиёт шароитида енгил саноат тармоқлари фақат хом-ашё тайёрловчи бўлиб эмас, балки саноат асосида тайёр маҳсулотни сотишда бевосита кластерлардан кенг фойдаланишни йўлга қўймоқда. Тикув-трикотаж корхоналари тизимида кластерларни ташкил қилиш ишлари ҳозирги кунда дастлабки босқичида бўлиб, тажриба-синов шаклида ташкил этилмоқда. Корхоналарда даромадлар ва харажатлар ҳисоби ҳамда аудити методологиясини такомиллаштириш билан боғлиқ муаммоларни баъзи назарий, ташкилий ва методологик жиҳатлари мамлакатимиз олимлари ва хорижий олимлар томонидан айрим жиҳатлари ёритилган. Аммо уларнинг илмий тадқиқотларида тўқимачилик ишлаб чиқариш технологияларига боғлиқ ҳолда харажатлар ҳисоби, уларни харажат объектлари ҳамда калькуляция объектлари ўртасида тақсимлаш масалалари чуқур ва ўзига хос хусусиятлари кўриб чиқилмаган.

Хорижий олимлар Драгишвич ва Обадиқ фикрича², кластерларнинг ижобий таъсири қуйидаги кўрсаткичлар ёрдамида ўлчанади: ишлаб чиқариш ҳажми, харажатлар, сотиш ҳажми, яратилган иш ўринлари сони, иш ҳақи, ҳосилдорлик, нархлар, қўшимча қиймат, корхоналар сони, инновациялар ва бошқалар. Кластерлаш самарадорлиқнинг ўсишига таъсир кўрсатди. Замонавий рақобатбардошлик иш ҳақи ёки корхоналар ҳажмидан фойдаланиш имкониятига

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 12 февралдаги ПҚ-4186-сон “Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва унинг экспорт салоҳиятини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарори

² Dragičević, M., & Obadić, A. (2013). Klasteri i politike razvoja klastera [Clusters and cluster development policy]. Zagreb: Faculty of Economics University of Zagreb.

эмас, балки махсулдорликка боғлиқ. Кластерларнинг характеристикаси рақобатчиларга нисбатан устунликни сақлаб қолиш учун доимо такомиллашиб боради ва янгиланади. Кластер ҳар бир аъзонинг бошқалар билан боғланган бизнес ва бошқа фаолият доирасини кенгайтириш учун фойдали бўлишига имкон беради, чунки ҳар бир иштирокчи ўзининг мослашувчанлигидан воз кечади.

Шу сабабли, маълум тармоқларда, минтақаларда ёки мамлакатларда кластерни ривожлантириш кўп аҳамиятга эга. Дарҳақиқат, кластерлар нафақат саноат ёки минтақада рақобатбардошликни оширишга, балки иш билан бандликни таъминлайди ва кластер иштирокчиларининг ўзаро ишончини оширади.

Америка олимлари — М.Портер — «Рақобат устунлиги назарияси», -М.Энрайт, С.Резенфельд, П.Маскелл ва М.Лоренсенлар «Минтақавий кластерлар концепцияси», А.Маршалл «Саноат ҳудудлари назарияси», П.Бекатин «Италян саноат округлари назариялари», М.Сторпер «Идеал ҳудудий кластер» назарияларини яратган. Қўшимча қиймат ва кластерлар занжири уйғунлиги, минтақаларни ўқитиш концепциялари ҳам шу гуруҳдан ўрин олган.

Айнан шу олимлар назарияларида кластерлар - ишлаб чиқарувчилар рақобат устунлигини оширишда юқори самарали бўлиб, уларнинг ҳудуддаги таълим, фан, технологик, иқтисодий ва бошқа хизмат кўрсатувчи субъектлар фаолияти билан уйғунлашган тизими эканлиги таъкидланади.

Кластерлар назарияси МДХ олимлари Ю.С.Артамонова, Б.Б.Хурусталиев ва бошқалар томонидан ҳам ўрганилиб, амалиётга татбиқ этиш бўйича лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда. Юқоридаги назарияларни яратилиши ва уларнинг амалий аҳамияти мамлакатлар, тармоқлар ва корхоналар иқтисодиёти рақобатдошлигини ошириш ва юқори самарадорликка эришишни назарда тутди.

Республикамиз олимларидан эса М.Раҳматов, Б.Зарипов, Ч.Муродов, Ш.Ҳасанов, М.Муродова ҳамда бир қатор олимлар илмий изланишлар олиб боришган. Кластер сўзининг луғавий маъносига этибор қаратадиган бўлсак, «Кластер» атамаси французча сўз бўлиб, ўзбекча таржимаси «боғлам», «гуруҳ», «тўпланиш» маъноларини беради.

А.Авлакуловнинг таъкидлашича “Ахборотларнинг шаффофлиги иқтисодий категорияларнинг тўғри қўлланилишига боғлиқ. “Чиқим”, “сарф” ва “харажат” категорияларини чуқур таҳлил қилиш бухгалтерия ҳисобида муҳим масалалардан биридир. Чунки ушбу категориялар ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг асосий кўрсаткичларидан бири бўлган махсулот таннархининг тўғри шаклланишида муҳим аҳамият касб этади” деб таъкидлаган. (6). Масалан Д.Азларовнинг фикрича “...тармоқда умумишлаб чиқариш харажатлари ҳар бир махсулотнинг турига асосий ишлаб чиқаришдаги ишчиларнинг меҳнат ҳақиға нисбатан мутоносиб тақсимланмоқда. Бу эса қўл меҳнати юқори бўлган корхоналарда таннархнинг ошиб кетишига сабаб бўлмоқда” деган фикрни билдирган.(7). Масалан М.Обидовнинг фикрича “...кластерларда харажатларни таснифлаш ва ҳисобини юритишда уларни вужудға келиши ва иқтисодий мазмунига мослигини таъминлаш, кластер тизимидаги корхоналарнинг харажатлари тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборотларни шакллантириш, махсулот таннархини тўғри аниқлаш...” керак деган фикрни билдирган.(8).

Биз юқоридаги фикрларға қўшилган ҳолда харажатларни мақсадли харажатларға ажратиб олиш ва мақсадли таннархни белгилаш орқали махсулот таннархини камайтиришнинг замонавий усули бўлган гоал-костинг усулини амалиётға тадбиқ этишни таклиф қиламиз. Шу нуқтаи назардан кластер тизимида бухгалтерия ҳисобининг ўзига ҳослиги улар фаолиятда қилинаётган харажатлар ҳисоби билан боғлиқ масалаларни жиддий муҳокама қилишни талаб этади.

3.Тадқиқот методологияси. Мазкур мақолада илмий билишнинг анализ ва синтез, тизимли ёндошув, статистик ва молиявий таҳлилнинг солиштириш, туркумлаш, гуруҳлаш, мутлоқ ва нисбий миқдор усулларидадан фойдаланилган.

4. Таҳлил ва натижалар. Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатида амалга оширилаётган ислохотлар тармоқни жадал ривожлантириш ва диверсификация қилиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, тўқимачиликда ярим тайёр маҳсулотларни чуқур қайта ишлашга йўналтириладиган инвестициялар, тайёр маҳсулотлар экспорти ҳажмини ошириш, уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида қўллаб амалий ишлар олиб борилмоқда. “Ўзтўқимачиликсаноати” уюшмаси тизимидаги корхоналар кейинги ўн йиллик яъни, 2020-2030 йиллардаги режалаштирилган ислохотларга назар соладиган, тўқимачилик ва тикув-трикотаж корхоналари ҳам республикаимиз иқтисодиётини янада ривожлантиришга ҳисса қўшишини кўришимиз мумкин (1-жадвал)

Жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкинки, навбатдаги 10 йилликда енгилсаноат тизимининг қўшилган қийматнинг йиллик ўсишидаги улуши 5 фоизга оширилиши, тўқимачилик ва трикотаж маҳсулотларининг ўсишида сал кам 9 баробарга ошиши, енгилсаноат тизимида кичик ишлаб чиқарувчилар сонининг 30 фоизга ўсиши бевосита иқтисодиётнинг ҳам шунга мос равишда ўсишига олиб келади.

1-жадвал

“Ўзтўқимачиликсаноати” уюшмаси тизимидаги айрим иқтисодий кўрсаткичларнинг 2020-2030 йилларда ўзгариши ¹

Т/р	Кўрсаткичлар номи	Асос (2020 й.)	Йиллар бўйича мақсад		
			2021	2025	2030
1.	Енгилсаноат тизимида қўшилган қийматнинг йиллик ўсиши (асосга нисбатан %да)	14 млрд АҚШ долл	3	5	5
2.	Енгилсаноат ва озиқ-овқат маҳсулотларининг экспорти ҳажмининг ошиши (млрд АҚШ долл)	2,3	3,5	10	20
3.	Тўқимачилик ва трикотаж саноати ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг экспортдаги улуши (%)	2	15	23	30
4.	Енгилсаноат ва озиқ-овқат бизнесига жалб этилган инвестицияларнинг умумий ҳажмининг ўсиши(асосга нисбатан %да)	650 млн АҚШ долл	20	40	80
5.	Тўқимачилик ва трикотаж саноати корхоналарининг халқаро сифат менеджменти тизимини жорий этган корхоналари сони ошиши (%)	2	5	10	20
6.	Енгилсаноат тизимида кичик ишлаб чиқарувчилар (микрофирмалар) умумий сонининг ўсиши (асосга нисбатан %да)	129 221	10	20	30

“Ўзтўқимачиликсаноати” тизимидаги корхоналар фақат хом-ашё тайёрловчи эмас, тўқимачилик ва трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва тайёр маҳсулотни реализация қилишида бевосита кластерлардан фойдаланиш режалаштирилган.

¹ O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019 yil 23 oktyabrdagi PF-5853-sonli Farmoni asosida muallif tomonidan tuzilgan.

Мазкур ишлар ҳозирги кунда бошланиш босқичида дейиш мумкин. Яъни, енгил саноат тизимида аллақачон кластерлар шаклланиши йўлга қўйилган. Ўрганишларимиз шуни кўрсатдики, енгилсаноат тизимида кластерларнинг жорий қилиниши, тўқимачилик корхоналарининг тугатилиши баробарида кўп йиллар давомида соҳада фаолият юритиб келган тадбиркорлар томонидан эътирозлар пайдо бўла бошлаган. Бироқ, мана шундай ҳолатни инобатга олган ҳолда тизимда корхоналар тўлиқ тугатилган ҳолда ташкил этилган кластерлар айнан самарадорлиги паст ташкилотлар негизида ташкил этилмоқда. Яъни, бугунги кунда мамлакатимизда кластерларнинг фақат бир туридан фойдаланилмасдан, айрим ҳудудлар ва корхоналар кластерлар билан ўзаро ҳамкорлик шартномаси асосида ишлаб, маҳсулотни етиштириб бермоқдалар. Кейинги йилларда мамлакатимизда халқаро амалиётда синалган ва иқтисодиётни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этувчи бозор муносабатларини ва тажрибаларини ҳаётга татбиқ этишга катта эътибор қаратилмоқда.

Шулардан бири кластерлар тизими бўлиб, ҳозирда иқтисодиётимизнинг пахтачилик, тўқимачилик ва енгил саноат соҳасида ушбу тизим фаолиятини йўлга қўйиш масалалари устувор бўлиб турибди.

Тўқимачилик ва тикув-трикотаж соҳасида кластерлар фаолиятини йўлга қўйиш учун бизнес-режасини тўғри шакллантириш ва унда кластернинг барча харажатларини ўзида акс эттириш, мазкур технология ва пахта хом ашёсини қайта ишлаш технологиялари учун сарфланадиган харажатларни бошқариш, маҳсулотлар таннархини пасайтириш чора тадбирларини ишлаб чиқиш муҳим вазифалар ҳисобланади.

Кластернинг бизнес режасида пахта хом ашёси етиштиришдан бошлаб, уни тайёр маҳсулот сифатида сотишгача бўлган ишлаб чиқариш жараёнининг узлуксиз занжирини, шу жараёнларга сарфланадиган харажатларнинг ҳисоби ва унинг назоратини ташкил қилиш;

Иккинчидан, пахта хом ашёсини қайта ишлаш ва ярим тайёр маҳсулотлардан саноат маҳсулотларини ишлаб чиқиш технологияси бўйича сарфланадиган харажатларни жараёнлар кесимида бошқариш ва унинг ҳисобини тўғри сарфланишини назорат, маҳсулотлар таннархини пасайтириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш;

Учинчидан, инвестиция лойиҳалари ва янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш учун молиялаштириш манбаларини аниқлаш ва сарфланадиган харажатларни прогноз кўрсаткичлари билан ҳақиқий сарфланишини ҳисобга олиб бориш долзарб масалалардан ҳисобланади.

2021-2025 йилларга мўлжалланган инвестиция лойиҳалари бўйича - ҳар бир янги тикувчилик-тўқимачилик корхоналари машҳур халқаро брендлар маҳсулотларини реализация қилиши ва камида 1000 та иш ўрнини ташкил этиши лозимлиги белгилаб берилди.

Енгил саноат тизимидаги корхоналарнинг асосий фаолияти жуда кенг турдаги сотилаётган маҳсулот (иш, хизмат)ларни характерлайди, бу харажатларнинг таркиби ва ҳажмига таъсир кўрсатади. Уларни маҳсулот бирлигига пасайиши, илмий асосланган режалаштириш асосида моддий ва меҳнат ресурсларини тўғри ишлатиш, харажатларни ҳисоби, таҳлили ва бошқаруви самарадорлигини оширишининг асосий шартларидан бири ҳисобланади.

Тўқимачилик ва тикув-трикотаж корхоналари тизимида асосий харажатларнинг кўпчилиги қисмини моддий харажатлар ташкил қилади. Тармоқда ҳам ашёни чуқур қайта ишлаш асосида бозор талабларидан келиб чиққан ҳолда юқори қўшилган қийматга эга тўқимачилик ва тикув-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва экспорт қилишнинг 2020-2025 йилларга мўлжалланган мақсадли параметрларининг прогнози ишлаб чиқилди. Бу ўз навбатида тармоқ корхоналарининг келгусидаги стратегик истиқболларини белгилаб олиши учун муҳим иқтисодий кўрсаткичлар манбаи ҳисобланади.

2-жадвал

**Тўқимачилик ва тикув-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш
ҳажми бўйича мақсадли параметрларининг прогнози¹**

Т/ р	Маҳсулот номи	Ўлчо в бирл и	Ўтган даврлар			Кутил аётган ҳолат	Прогноз			2025 йилга ўсиш
			2019	2020	2021		2023	2024	2025	
I.	Тўқимачилик ва тикув-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми	млн долл.	4325,5	5861,6	8058,2	11319,3	12514,1	13764,6	15028,5	3,5 марта
1.	Ип-калава, шундан бўялган ва аралаш	минг тн	623,7	770,3	921,4	930,2	974,3	990,3	1032,5	2,7 марта
			182,5	223,6	248,5	276,0	413,0	463,8	470,5	2,6 марта
2.	Тайёр ип-газлама, жами: ... техник, махсус ип-газламалар)	млн кв. м.	471,0	963,4	1061,9	1237,9	1253,4	1364,2	1425,9	3 марта
			130,3	223,6	248,5	276	413,6	463,8	470,5	3,6 марта
3.	Тайёр трикотаж мато	минг тн	174,8	227,5	350,0	406,8	520,0	540,0	546	3,1 марта
4.	Тикув-трикотаж маҳсулотлари	млн дона	790	1070,6	1680	2850	2248,3	3080,0	3205,3	4,1 марта
5.	Тўқимачилик галантереяси	млрд сўм	72	106,5	156,8	191,6	221,3	278,1	360,5	5 марта
6.	Пайпоқ маҳсулотлари	млн жуфт	260,8	312,4	325,9	409,3	415,1	421,8	427	1,6 марта
II.	Тўқимачилик ва тикув-трикотаж маҳсулотлари экспорти ҳажми	млн долл.	2156,4	2703,3	3130	3908,3	4760,00	5731,9	7075,00	3,3 марта

Ҳозирги пайтда амалиётда кенг қўлланилаётган «E-views», «Stata» ва «Excel» дастурлари имкониятларидан фойдаланиб,

¹ «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси молиявий ва статистик ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоби.

эконометрик моделлаштириш ёрдамида узоқ муддатли прогнозлар ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш мумкинлиги илмий жиҳатдан асосланди.

Бизнинг фикримизча, таннархни аниқлашда енгил саноат тизими соҳасида «Таннарх» синтетик четининг таркибида «Вақтнинг муайян нуқтасида тан олинадиган таннарх», «Давр мобайнида тан олинадиган таннарх», «Таннархга тузатиш киритиш» номли субсчётларни очиш орқали таннархни янгича гуруҳлаштириш ҳамда маҳсулот ва хизматлар таннархини ҳисоблашнинг Гоал-костинг (Goal costing) усулини қўллаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Гоал-костинг (Goal costing) – бу маҳсулот (иш, хизмат)лар таннархини ҳисоблаш усули бўлиб, у маҳсулотнинг бозор баҳоси билан ялпи фойда ўртасидаги фарқ сифатида, мақсадли таннархни аниқлашга асосланган. Мазкур усул «Таргет-костинг» ва «Кайзен-костинг» усуллариининг комбинациясидан ташкил топади. Зеро, агар «Таргет-костинг» илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ишларига қилинадиган инновацион харажатларни ўзида мужассам этса, «Кайзен-костинг» усули харажатларни босқичма-босқич камайтириб боришга мўлжалланган бўлиб, у бюджет(смета) ва мақсадли таннарх ўртасидаги фарқни қисқартиришни назарда тутди.

«Таннарх» атамасига таъриф берган ҳолда таннарх ҳисобининг бош масалалари ва унинг фаолият доирасига аниқлик киритилган. «Калькуляция» атамасининг ўрнига «костинг» тушунчасини киритишни асосладик. Ушбу ишланманинг амалиётга жорий этилиши корхоналарда таннарх ҳисобини тўғри ташкил этишда муҳим аҳамият касб этади.

Халқаро АССА эксперти Кен Гарреттнинг фикрича, агар бизнес бир нечта бўлимларга ёки бўлинмаларга бўлиниб кетган бўлса, таннархга асосланган ички хўжалик баҳолари яъни трансферт баҳолар муқаррар равишда зарурдир. Одатда, товарлар ёки хизматлар бўлинмалар ўртасида ҳаракатланади ва уларнинг ҳар бири ўз фаолияти тўғрисида алоҳида ҳисобот беради. Бухгалтерия ҳисоби тизими одатда, бўлинмалар ўртасида ҳаракатланадиган товарлар ёки хизматларни қайд қилади. Бунинг учун бирон бир пул кўринишидаги қиймат ўлчовидан фойдаланиш зарурати туғилади. Ушбу пул қиймати трансферт баҳоси ҳисобланади¹. Таклифимизча, юқоридаги халқаро тажрибага асосланиб, ҳар бир бизнес бўлинманинг таннархини шакллантиришда, унга ўртача 20 фоиздан фойда нормаси ўрнатилса, маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг ўз фаолиятлари натижасидан моддий манфаатдорлиги ҳамда бошқарувнинг шаффофлиги кучайган бўларди.

Амалдаги «Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга асосан бухгалтерия ва солиқлар ҳисоби ахборотлари бир-бирига мос бўлиши зарур. Бироқ, бундай мутаносибликнинг мавжуд эмаслиги харажатларнинг солиқ солинадиган базага қайта қўшилишини талаб қилмоқда. Шу боисдан, амалиётда тугалланмаган ишлаб чиқариш қолдиғини ҳисоблаш, баҳолаш, ҳужжатлаштириш ва счётлар режасига мазкур ўзгаришларни киритиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Шу муносабат билан тугалланмаган ишлаб чиқариш қолдиғини баҳолаш учун Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан тавсия қилинган Намунавий счётлар режасига янги субсчётлар киритиш, ўларнинг ўзаро алоқаси бўйича

¹ Ken Garrett is a freelance writer and lecturer. Transfer prices are almost inevitably needed whenever a business is divided into more than one department or division. <https://www.accaglobal.com/sg/en/student/exam-support-resources/fundamentals-exams-study-resources/f5/technical-articles/transfer-pricing>

бухгалтерия ёзувлари таклиф этилган. Хусусан-Намунавий счетлар режасидаги 2020 - «Тугалланмаган ишлаб чиқариш счётини» – шу счетлар режасининг 7- бўлимига кўчириш мақсадга мувофиқлиги асосланган.

7010 - «Вақтнинг муаян нуқтасида тан олинган таннарх»,

7020 - «Давр мобайнида тан олинган таннарх»,

7030 - «Таннархга тузатиш киритиш» субсчётларида акс этириладиган харажатлар туркумланган.

Бунда вақтинчалик харажатларга яъни асбоб-ускуналар инвестиция қилинса улар уч йилда ишга тушади ва бу харажатлар корхонанинг эксплуатация харажатларига олиб борилади. Бундан ташқари Намунавий счетлар режаси 5 та қисм, 9 та бўлимдан иборат бўлиб ,унинг учта бўлимида резерв счётлари мавжуд. Намунавий счетлар режасида актив, пассив контр-актив, контр-пассив ва транзит счётлар киритилган. Биз куйидаги жадвалда бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартларига мувофиқ харажат счётларининг фаолият турлари кесимида туркумланиши бўйича таклиф этилаётган янги счетлар режасини келтирдик.(3-жадвал).

Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартларига мувофиқ харажат счётларининг фаолият турлари кесимида туркумланиши бўйича таклиф¹

7-бўлим. "Харажатлар"		
7000	Таннарх	Т
7010	Вақтнинг муаян нуқтасида тан олинадиган таннарх	
7020	Давр мобайнида тан олинадиган таннарх	
7030	Таннархга тузатиш киритиш (камайтишга)	
7100	Операцион фаолият бўйича харажатлар	Т
7110	Сотиш харажатлар	
7120	Маъмурий харажатлар	
7130	Курс фарқларидан харажатлар	
7140	Бошқа харажатлар	
7200	Бошқа операциялар бўйича зарарлар	Т
7210	Активларни ҳисобдан чиқарилишидан зарар	
7220	Молиявий активлар бўйича қадрозланишдан зарар	
7230		
7240	Активларнинг ҳаққоний қиймати ўзгаришидан зарар	
7300	Молиявий фаолият бўйича харажатлар	Т
7310	Фонзлар ва бошқа мукофотлар бўйича харажатлар	
7320	Молиявий ижара бўйича фонзларни тўлашга харажатлар	
7330	Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар	
7340	Молиявий инструментларнинг ҳаққоний қиймати ўзгаришидан зарар	
7400	Тугатилган фаолият билан боғлиқ зарар	Т
7410	Тугатилган фаолият билан боғлиқ зарар	
7500	Улушли қатнашиш усули бўйича ҳисобга олинадиган ташкилотларнинг зараридаги улуш	Т
7510	Улушли қатнашиш усули бўйича ҳисобга олинадиган ташкилотларнинг зараридаги улуш	
7600	Фойда солиғи бўйича харажатлар	Т
7610	Фойда солиғи бўйича харажатлар	
7620	Фойдадан ҳисобланадиган бошқа солиқлар бўйича харажатлар	

¹ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси

Амалдаги бухгалтерия ҳисоби счетлар режасида «Харажатлар» номли бўлимнинг таркибига киритиладиган калькуляцион ҳамда контрактив счетларни БҲХСга адаптация қилиш бўйича тавсиялар асослантирилди. Харажатлар бошқаруви ҳисобини юритиш, таннархни ҳисоблаш, молиявий натижалар аудитини тармоқ хусусиятини инобатга олган ҳолда харажатларни ҳисоб юритиш амалиётида молиявий ҳисоб, бошқарув ҳисоби ва солиқ ҳисобига оид харажатларга бўлиш лозимлиги ва уларнинг тавсифи «Ўзбектўқимачиликсаноат» уюшмаси тизимига қарашли корхоналар фаолиятига жорий қилинган. Натижада харажатларни гуруҳларга бўлиб ҳисобини юритиш орқали харажатлар ҳисоби ва аудитини амалга ошириш самарадорлиги ошишига, ахборотларнинг аниқлиги таъминланишига олиб келган.

Хулоса ва таклифлар. Ушбу мақоладаги илмий тадқиқотлардан ҳам кўриниб тўрибдики бугунги кунда тўқимачилик ва тикув - трикотаж саноатини иқтисодиётимиз драйверига айлантириш учун соҳага катта эътибор берилмоқда. Айнан тармоқ тизимига кластерларни жалб қилиш асосида маҳсулот ҳажмининг ошишига олиб келади.

Бизнинг фикримизча бу тизимнинг ўзига хос афзалликлари мавжуд:

Биринчидан - харажатларни етарли даражада минималлаштириш ва уларни тўғри тақсимлаш имконини беради. Уларни ҳисобга олишда бухгалтерия ҳисобининг таклиф этилаётган янги счётлар режасини қўллаш орқали БҲМС ни халқаро стандартларга трансформация қилиш имконияти яратилади.

Иккинчидан – Таннарх ҳисобини амалга оширишда ,бошқарув қарорларини тўғри қабул қилишда ва соҳанинг ривожланиш истиқболларини белгилашда эконометрик моделлаштириш усулларида фойдаланиб аниқлаш имконияти яратилади.

Учинчидан - харажатларни назорат қилиш ва бозор талабларига мос келувчи мақсадли таннархни олдиндан аниқлашга, шунингдек бозор талаби ва харидорларнинг мўлжалига қараб ишлаб чиқарилаётган маҳсулот муддатлари ва сифатини белгилаш имконини беради. Бу соҳага таннарх аниқлашнинг замонавий гоал костинг усулини қўллаш орқали маҳсулот таннархини 20 фоизга камайтириш имкониятлари очиб берилади.

Тўртинчидан - нархларни максималлаштириш, режалаштириш, маҳсулот ҳажмини сотиш ҳисобига, шунингдек ишлаб чиқарилган маҳсулот таннархини пасайтириш ҳисобига ташкилотларнинг молиявий натижаларини максималлаштиришни таъминлайди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантириш энг муҳим масала бўлса, тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноати корхоналарини ривожлантириш ва экспортбоб маҳсулотларни ишлаб чиқаришни янада ривожлантиришда хорижий тажрибаларни қўллаш ҳамда соҳага кластер тизимини жорий этиш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4611-сон қарори .24.02. 2020 й.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва унинг экспорт салоҳиятини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4186-сон қарори.12.02.2019 й.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ”Тўқимачилик ва тикув-трикотаж корхоналарида чуқур қайта ишлаш ва юқори қўшилган қийматли тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ҳамда уларнинг экспортини рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-53- сонли Фармони. 21.01.2022 й.
4. Dragičević, M., & Obadić, A. (2013). Klasteri i politike razvoja klastera [Clusters and cluster development policy]. Zagreb: Faculty of Economics University of Zagreb.
5. Ken Garrett is a freelance writer and lecturer. Transfer prices are almost inevitably needed whenever a business is divided into more than one department or division. <https://www.accaglobal.com/sg/en/student/exam-support-resources/fundamentals-exams-study-resources/f5/technical-articles/transfer-pricing>
6. Авлокулов А.З. “Молиявий натижалар ҳисоби ва аудити методологиясини такомиллаштириш” мавзусидаги иқтисодиёт фанлари доктори (DSc)илмий даражасини олиш учун ёзган диссертацияси автореферати. Т.:2019 й.120 б.
7. Азларов Д.Х. “Нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби ва таҳлилини такомиллаштириш” мавзусидаги иқтисодиёт фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзган диссертацияси автореферати. Т.: 2021й.62 б.
8. Обидов Р.Р. “Кластер тизимида харажатлар ҳисобини такомиллаштириш” мавзусида иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори илмий даражасини олиш учун ёзган диссертацияси автореферати. Т.: 2021й. 62 б.
9. Портер, М.Э. (2005) Конкуренция / Пер. с англ.: уч.пос. - М.Э.Портер. - М.: Вильямс, 608 с / Porter, M.E. (2005) Competition / Per. from English: uch.pos. - M.E. Porter. - М.: Williams, 608 p.